

8-мавзу. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш

Режа:



1. Аҳоли сони ва ресурсларнинг чекланганлиги
2. Иқтисодиёт назарияси ва табиий ресурслар
3. Атроф-муҳит иқтисодиёти

«Үсиш үчүн үсиш - саратон үсимтаси шиори»



Эдвард Эбби
(1927-1989)

Америкалик ёзувчи ва эссеист, экологик мұаммолар ташвиқотлари билан машхур



1766-1834 йилларда яшаган инглиз олими Томас Роберт Мальтус ғоясига биноан аҳоли сонининг ўсиб бориши жараёнининг назорат қилинмаслиги глобал очликка олиб келиши мумкин.

Дунё аҳолиси сонининг ўзгариши, млрд. киши




*прогноз

1. Т.Мальтус ва унинг тарафдорлари фикрига қарши ўлароқ товарлар таклифи уларга бўлган талабга нисбатан тезроқ ўсиб борди
2. Дунё аҳолисининг табиий кўпайиши прогнозларга кўра 2060 йилга бориб тўхтайди ва қисқаришни бошлайди
3. Ресурсларни жон бошига истеъмол қилиш даражаси қисқариб боради ёки ўзгармас ҳолда сақланиб қолади


Иқтисодий ўсиш ва
табиий мұхитни асраб
қолиш мақсадларининг
мос келмаслиги!?

Асосий сабаби

Ер шарининг ҳудудий ва ресурс
жихатдан
чекланғанлиги ва **Инсонияттың** мунтазам
ривожланишга ҳаракат қилаётгандылығы
үртасидаги қарама-қаршилик



«Экологик из»




Инсон фаолиятининг табиатга таъсири даражасини акс эттирувчи кўрсаткич.
«Экологик из» инсон тараққиётини белгилаб берувчи обьектларни барпо этиш, инсон истеъмоли учун зарур неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида қанчалик кўп миқдорда маҳсулдор ерлар ва тоза ичимлик сувидан фойдаланилаётганлигимиз ҳамда чиқиндилар ҳосил қилаётганлигимизни ифода этади.



Айрим мамлакатларда экологик из

Тойафзал катталиги - ахоли
жон бошига түғри келувчи
биоресурслар

Оёқ катталиги – ахоли жон
бошига түғри келувчи ўртача
экологик из, га/киши





Мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши экологияга бевосита таъсир кўрсатади

Ушбу жараёнга нисбатан икки хил
ёндашув шаклланган



Инвайронментализм
(инг. *environmentalism*
— атроф-муҳит,
табиат)



“Бойлик шоҳи” назарияси
тарафдорлари
ёндашуви

Инвайронменталистлар таҳлил қиладиган мұаммолар:



Био хилма-
хилликни
камайиши



Глобал
исиш



Радиоактив
чиқындарни
утилизация
қилиш



Озон
қатламидаги
үзгаришлар



Кислотали
ёмғирлар



Хайвонлар
хуқуқарини
бұзилиши



“Бойлик шоҳи” назарияси тарафдорлари ёндашувига биноан жаҳонда етарлича ресурслар ва технологик ривожланиш бўйича катта салоҳият мавжуд.


Ушбу назарияга мувофиқ инсон чекланмаган иқтисодий ўсиш ва фаровонликка эришиши мумкин. Инсон тафаккури табиатда юзага келадиган ҳар қандай муаммони ҳал этишга қодир.

Иқтисодий ва технологик ўсиш ҳамда бозор кучлари табиатни тугатиш эмас, балки сақлаб қолиш омиллари ҳисобланади.


“Бойлик шоҳи” назарияси




Иқтисодий үсиш ва атроф-муҳитни ифлосланиши ўртасидаги боғлиқлик



Ишлаб чиқариш жараёнида табиий ва ишлаб чиқарылган капиталларни ўзаро алмаштириш имконияти




Ташқи таъсир оқибатида вужудга келадиган йўқотиш



Жамиятнинг маржинал фойдаси (MSB) билан хусусий маржинал фойда (MPB) бир-биридан фарқланганлиги учун бозор "I" нуқтада мувозанатга эришади. Ушбу нуқтада атроф-муҳитни ифлослантириш паст даражада чекланади. Давлат аралашуви орқали мувозанатни "E" нуқтага кўчириш керак. Бу нуқтада жамият маржинал фойдаси маржинал харажатларга teng бўлади ва атроф-муҳитни ифлослантириш сезиларли даражада чекланади.

Атроф-мұхитни ифлослашга ҳуқуқни сотилиши

Нарх (долл., 1 кг
үчүн)



Барқарор иқтисодий ривожланиш

Ахоли эҳтиёжларини тўла қондириш, келажак авлод эҳтиёжларини қондириш имкониятларини эса хавф остига қўймасликка асосланган ривожланиш

Иқтисодий

Экологик

Ижтимоий

“Яшил иқтисодиёт” концепциясининг мақсади барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инвестициялар фаоллигини ошириш билан бир вақтда атроф мухит муҳофазаси ва ижтимоий интеграция сифатини яхшилаш ҳисобланади

Ресурслар таснифи

Узлаштирилген майдилар	Тикелейниси жүйелердеги табигый майдилар	Небиев Айдар 793 мис.
Узлаштирил- ген майдилар	Аким Сырхан беке жаңы жөргөндер	Митим, радиоактив жүйиндилар

Ресурслар таснифи



Ўзлаштирилладиган

истеъмолчиларга ёки ишлаб
чиқарувчиларга ўзининг иқтисодий
қийматини тўлиқ берадиган
ресурслар



Ўзлаштирилмайдиган

истеъмолчиларга ёки ишлаб
чиқарувчиларга иқтисодий қийматини тўлиқ
ўтказмайдиган ресурслар. Бундай ресурслар
алоҳида шахс учун текин, аммо жамият учун
жудда қиммат туради

"Яшил иқтисодиёт" концепциясининг ривожланиш босқичлари

1950-1960 йй.



Иқтисодиётнинг
атроф-муҳит ва
инсонга салбий
таъсирини англаб
етиш

1960-1970 йй.



Инсон учун қулай
атроф-муҳит ва
табиий ресурсларни
сақлаб қолиш
мақсадида рационал
иқтисодиётни
шакллантириш

1980-1990 йй.



Иқтисодий ўсишнинг
экологик жиҳатдан
мослашишини
иқтисодиёт нуқтаи
назаридан мақсадга
мувофиқлиги

2000-2010 йй.



"Эркин бозор"нинг биосфера
ресурсларини сақлаб қолиш ва
ижтимоий адолат
манбаатларини ҳимоя қилиш,
узоқ муддатли даврда
иқтисодий барқарорликни
тамминлашда ўз-ўзини тартибга
солишга қодир эмаслиги.

Илмий тадқиқотларда “яшил иқтисодиёт” түшүнчесига берилгандар таърифлар



Мамлакат табиатини яхшилашга күмаклашувчи иқтисодиёттинг янги тармоқлари



Табиатга ёрдам берувчи ва фойда келтирувчи янги технологиялар, экотизимлар



Экологик тоза маҳсулотлар яратышга йўналтирилган ривожланишнинг янги босқичига ўтиш ҳисобланиб, унинг асосини соғ ёки “яшил” технологиялар ташкил этади



БМТning Атроф-муҳитни мухофаза қилиш дастури (UNEP) томонидан

“Яшил иқтисодиёт” - бу “одамлар фаровонлиги ва ижтимоий тенглигининг яхшиланиши, экологик рисклар ва экологик тақчилликни сезиларли даражада камайтириш”га олиб келувчи иқтисодиётдир

“Яшил иқтисодиёт” түшүнчесининг моҳияти

Төр (конкрет) маънода
“яшил иқтисодиёт”ни
аңъанавий иқтисодиёт
билин ёнма-ён
ривожланаётган
муайян тармоқлар
йиғиндиси



Кенг маънода эса “яшил иқтисодиёт” учун муҳим динамик жиҳат, иқтисодий тизимда экологияга йўналтирилган ўзгаришлар устуворлик қиласи.

“Яшил иқтисодиёт” концепциясини барқарор ривожланишининг узоқ муддатли мақсадига эришиш асоси сифатида қабул қилиш мумкин.

Бу ўз навбатида “яшил иқтисодиёт” концепциясини амалиётга жорий этишда самарали қарорлар қабул қилиш ва зарур чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

“Яшил иқтисодиёт” афзалликлари ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти



Жаҳон табиий ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш келгуси авлод учун 2050 йилга қадар ҳар йили 2 трлн. доллар иқтисодий фойда олиш имконини яратади



Ҳозирги ишлаб чиқариш усуллари ва истеъмол даражаси сақланиб қолгани ҳолда 2050 йилда 2000 йилга нисбатан дунё флора ва фаунаси 61%дан 72%га қадар йўқотилиши, табиий ҳудудлар майдонининг 7,5 млн. кв км.и қайта тикланмайдиган даражада йўқ қилиниши мумкин



Ер ресурсларининг фойдаланиш, кейинчалик қайта тиклаш мумкин бўлган йиллик миқдори бор-йўғи 7 ой 13 кунда ишлатиб бўлинган



АКТ ёрдамида 2030 йилга қадар атмосферага CO₂ чиқариш ҳажмини 15% га (7,8 млрд. тонна CO₂ эквиваленти) қисқартириш, 1015,8 млрд. доллар тежаш мумкин бўлади



Иқтисодий адабиётда “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришнинг қуидаги йўналишлари ажратилади:

1. Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш.
2. Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш.
3. Сув ресурсларини бошқариш тизимларини такомиллаштириш.
4. “Соф”, “барқарор” ёки “яшил транспорт”ни ривожлантириш.
5. Қишлоқ хўжалигида органик дехқончиликни ривожлантириш.
6. Уй-жой коммунал хўжалигида энергия самарадорлигини ошириш.
7. Экотизимларни сақлаб қолиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш.
8. “Яшил технологиялар”ни яратиш ва сотиш бозорларини ривожлантириш.

1. Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш



Атмосферага иссиқхона
газларини чиқариш
миқдорининг 60%и энергетика
секторига түғри келади



Ер шарида 1,2 млрд. киши
электрэнергиядан фойдаланиш
имкониятидан маҳрум



Уй ҳавосининг бузилиши ҳар
йили 4 миллиондан ортиқ
кишининг ўлимига сабаб
бўлмоқда



2,8 млрд. киши овқат тайёрлаш ва
яшаш жойини иситиш учун дарахт,
кўмир ва ҳайвонлар аҳлатидан
фойдаланишади



“Яшил” энергетика соҳасига сарфланаётган
йиллик инвестициялар 2030 йилга қадар
ҳозирги 400 млрд. доллардан 1,25 трлн.
долларга қадар ошириш зарур

2. Чиқиндиларни бошқариш тизими니 такомиллаштириш

Буюк Британияда 2005-2010 йилларда махсус дастурлар доирасида 7 млн. тонна чиқинди қайта ишланган ва улардан иккиламчи марта фойдаланилган.

атмосферага иссиқхона газларини чиқариш ҳажмини 6 млн. тоннага қисқартириш

10 млн. тонна бирламчи материаллар ва 10 млн. литр сувни тежаш

8 700 нафар ишчи ўринлари яратиш

Ривожланган мамлакатларда ҳар куни аҳоли жон бошига **1 кг.дан 3**

кг.гача қаттиқ майший чиқиндилар ишлаб чиқилмоқда.

АҚШда ушбу күрсаткич ҳар **10 йилда 10%га** ортиб бормоқда.

Россияда эса чиқиндилар тўпланадиган майдонлар **2 минг кв. км.** дан ортиқ майдонни ташкил этади



3. Сув ресурсларини бошқариш тизимларини такомиллаштириш



Ер шаридага ҳар олтинчи киши ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда



3,6 млрд. киши
(ер шаридаги аҳолисининг деярли ярми)
йилига бир ойдан кам бўлмаган
муддатда сув танқислиги
кузатиладиган ҳудудларда яшайди



Ушбу кўрсаткич 2050 йилга қадар
4,8 млрд. кишидан **5,7** млрд.
кишигача ортиши мумкин


4. “Соф”, “барқарор” ёки “яшил транспорт”ни ривожлантириш



Жаҳон энергияси
истеъмоли ва
иссиқхона
газларининг 20-25% и
тӯғри транспорт
ҳиссасига тӯғри
келади



Халқаро транспорт
форуми (UNEP, “Халқаро
автомобиль
федерацияси” ва ИҲТТ)
2050 йилга қадар жаҳон
автопарки
самарадорлигини 50%га
ошириш




Тошкент шаҳри
иссиқхона газларининг
90%и автотранспорт
ҳиссасига, заҳарли
моддалар миқдори
йилига 395 тонна



Ўзбекистон бўйича 2
млн. 449 минг тонна.
Автотранспорт улуши
60%га тенг. Ушбу
кўрсаткич жаҳонда
белгиланган андозадан
3 марта юқори

5. Қишлоқ хўжалигида органик дехқончиликни ривожлантириш



Органик қишлоқ хўжалиги дунёнинг 186 мамлакатида ривожлантирилмоқда.

2019 йилда жаҳон бўйича 70 млн. гектардан ортиқ майдон органик қишлоқ хўжалиги асосида фойдаланилмоқда ва бу кўрсаткич жаҳон қишлоқ хўжалик ерларининг таҳминан 1,4%ини ташкил этади




- Органик қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ер майдони, млн. га
- Органик қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган мамлакатлар сони
- Органик маҳсулотлар бозори ҳажми, млрд. долл.

6. Уй-жой коммунал хўжалигида энергия самарадорлигини ошириш

Авлод	Тавсифи	Асосий белгилари
Smart Sity 1.0	Технологик риовжланган	Инфратузилманинг электрлаштирилганлиги, ёпиқ IT-технологияларнинг жорий этилганлиги, ярим автоматик инфратузилманинг шаклланганлиги Энергетика соҳасида: электрэнергияни бошқариш тизимлари
Smart Sity 2.0	Юқори технологик бошқарувга эга	IT, 3G/4G технологияларни жорий этиш ҳисобидан Smart Sity нинг бирламчи рақамли инфратузилмасини шакллантириш Энергетика соҳасида: электрэнергияни тақсимлаш ва бошқарувнинг “ақлли” тизимлари (Smart Gird, Micro Gird, Advanced Metering Infrastructure)
Smart Sity 3.0	Юқори даражада интеллектуал интеграциялашган	Ижтимоий интеграция ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирувчи технологиялар бирлашмаси. Энергетика соҳасида: электрэнергияни тақсимлаш ва бошқариш тизимларини бирлаштириш (Connected Smart Gird Systems), фаол истеъмолчи, тикланадиган энергия манбалари

7. Экотизимларни сақлаб қолиши үшін башқарув самарадорлигини ошириш



8. “Яшил технологиялар”ни яратиш ва сотиш бозорларини ривожлантириш



Жаҳон экологик тоза технологиялар бозори ҳажми 2028 йилга қадар 41,6 млрд. долларга тенглашиш башорат қилинмоқда



Ушбу бозор ҳажми ҳар йили ўртача 30%га ва жаҳон ялпи ички маҳсулотига қўшаётган ҳиссаси 6-7%га қадар ортмоқда



Жаҳонда экологик тоза технологияларни қўллаш натижасида кутилаётган даромад ҳажми 2030 йилга қадар 9,4 трлн. еврга этиши кутилмоқда


Fortune Business Insights

Roland Berger

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти

- миллий иқтисодиётда истеъмол қилинаётган энергиянинг аксарият қисми тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётганлиги
- ушбу ресурслар захирасининг чекланганлиги
- саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши
- сув танқислиги
- Орол дengизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги

Ўзбекистон иқтисодиётининг энергия самарадорлик кўрсаткичлари




Ўзбекистонда тикланадиган энергия манбалари

Умумий салоҳияти - **118,0 млрд. т.н.э.**

Техник салоҳияти - **179,3 млн. т.н.э.**

Қуёш энергиясининг
умумий салоҳияти **51**
млрд. т.н.э., техник
салоҳияти **177 млн. т.н.э.**
га тенг

Қуёш энергиясининг техник салоҳияти
мамлакатда истеъмол қилинаётган
бирламчи энергия истеъмолидан тўрт
баравар юқори.



Ўзбекистондаги қулай иқлим ва географик шароит қуёш энергиясидан саноат
даражасида фойдаланиш имконини бериши мумкин. Шамол энергиясининг умумий
салоҳияти **2,2 млн. т.н.э.** га тенг бўлиб, унинг **19%ини** техник жиҳатдан
ўзлаштириш имконияти мавжуд. Мамлакатимизда геотермал энергиянинг умумий
салоҳияти қуёш энергиясидан юқори ва **67 млрд. т.н.э.** миқдорига тенг.

Назорат саволлари

Ўзбекистонда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш заруриятини асосланг.

"Яшил иқтисодиёт"га ўтиш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд бўлиши зарур?

"Яшил иқтисодиёт"га ўтиш миллий иқтисодиётда таркибий ва технологик ўзгаришларга олиб келадими?
Барқарор ривожланиш ва "яшил иқтисодиёт" тушунчалари ўртасида боғлиқлик мавжудми?



Амалий машғулот саволлари

1. Тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар ўртасида қандай фарқли жиҳатлар мавжуд? Ҳар бир ресурс тури бўйича мисоллар келтиринг.
2. Қуидаги ҳолатларнинг ҳар бирини жамоавий тарзда ҳал этиш зарурияти мавжудми? Агар зарурият мавжуд бўлса, уларни маҳсус давлат дастурлари (солиқлар жорий этиш ва меъёрлар ўрнатиш) ёки хусусий (музокаралар ва масъулият) ташаббуслар ёрдамида ҳал этган маъқулми?
 - а) ҳавони ис гази билан ифлослантираётган пўлат қуийиш заводи;
 - б) ресторанларда чекиш;
 - в) ўз хоналарида чекаётган талабалар (хона бир кишига мўлжалланган);
 - г) маст ҳолатда автомобиль бошқариш (натижада ҳар йили ўн минглаб одамлар ҳалок бўлади);
 - д) 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан маст ҳолатда автомобиль бошқариш.
3. Ўзбекистонда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш заруриятини асосланг.



Эътиборингиз
учун раҳмат!